

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/27.02.2020.B.01.15
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАЙПОВ КЫДЫРБАЙ ПАХРАТДИНОВИЧ

**ҚИЗИЛҚУМ ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ НУКУС ШАҲРИ АТРОФИ
ХИЛМА-ХИЛЛИГИ ВА УНИНГ ҲОЗИРГИ ЭКОЛОГИК ХОЛАТИ
МОНИТОРИНГИ**

03.00.10 – Экология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Кайпов Кыдырбай Пахратдинович

Қизилқум ўсимликларининг Нукус шаҳри атрофи хилма-хиллиги ва унинг ҳозирги экологик ҳолати мониторинги 3

Кайпов Кыдырбай Пахратдинович

Мониторинг разнообразия и современного экологического состояния растительности Кызылкума в окрестностях города Нукуса 21

Кауров Kidirbay Pakhratdinovich

Diversity monitoring and modern ecological state of Kyzylkum vegetation in the around of Nukus city 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 42

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/27.02.2020.B.01.15
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАЙПОВ КЫДЫРБАЙ ПАХРАТДИНОВИЧ

**ҚИЗИЛҚУМ ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ НУКУС ШАҲРИ АТРОФИ
ХИЛМА-ХИЛЛИГИ ВА УНИНГ ҲОЗИРГИ ЭКОЛОГИК ХОЛАТИ
МОНИТОРИНГИ**

03.00.10 – Экология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/В342 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақалпоқ давлат университетига бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.nuu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шеримбетов Санжар Гулмирзоевич
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сафаров Каримджон
биология фанлари доктори, профессор

Мавланов Хударган
биология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/27.02.2020.B.01.15 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «7» 01 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси 4-уй, Ўзбекистон Миллий университетининг Биология факультети биноси, 2-қават, 203-хона. Тел.:(+99871)2466772).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (137 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси 4-уй, Ўзбекистон Миллий университетининг Биология факультети биноси, 2-қават, 203-хона. Тел.:(+99871)2466772, e-mail: nauka@nuu.uz, https://nuu.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «22» 12 куни тарқатилди.
(2020 йил «22» 12 даги 1 рақамли реестр баённомаси).



Рахимова Тура

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, б.ф.д., профессор

Аллабердиев Рустамжон Хамраевич

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.н., доцент

Рахимова Ташханим

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда биохилма-хилликни сақлаш глобал муаммолардан бири бўлиб, сўнгги йилларда антропоген босимнинг табиий экотизимларга таъсирининг кенгайиб бориши бундай муаммолар кўламининг ҳам ортишига сабаб бўлмоқда. Айниқса, арид ҳудудларида жойлашган ўсимлик дунёси объектларнинг чўлланиш таъсирига мойиллиги ҳудуд флорасининг шаклланиши ва трансформациясида асосий ўрин эгалламоқда. Бу ўринда, флора компонентларининг таркибини аниқлаш, ундаги ўзгаришларни экологик таҳлил қилиш ва мослашиш хусусиятларини ўрганиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда қурғоқчил ҳудудларда шаклланган ўсимлик дунёси объектларининг экологик ҳолатини баҳолаш ва уларни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, арид минтақаларида тарқалган ўсимлик дунёси вакилларининг таркиби ва экологик хусусиятлари аниқланди, уларнинг маълумотлар базаси яратилди, иқтисодий аҳамиятли турлари ишлаб чиқаришга жалб этилди, йўқолиб кетиш хавфи остидаги турлар популяцияларини сақлаб қолишнинг самарали усуллари жорий этилди. Таъкидлаш лозимки, арид ҳудудларда инсон фаолияти натижасида инқирозга учраган майдонларнинг кенгайиб бориши табиий экосистемаларнинг ўзгарувчан элементи саналган ўсимлик турларини экологик ҳолатини кенг қамровли таҳлил этишни тақозо қилмоқда. Айниқса, ўзига хос ўсимлик дунёсига эга бўлган Қизилқум ҳудудида сўнгги йилларда урбанизация, йўл қурилиши ва геология-қидирув ишларининг кенг тус олиши ҳудуд флорасининг трансформацияланиши ва экологик инқирозига сабаб бўлмоқда. Бу эса, ҳудуд ўсимлик турларининг замонавий ҳолатини аниқлаш ва муҳофазага муҳтож турларини сақлаб қолишни тақозо этади. Шунга кўра, трансформацияланган экотизимлар фонида арид ҳудудлари ўсимлик дунёси вакиллари экологик ҳолатини баҳолаш, тупроқ ва иқлим шароитларига мослашувчанлигини аниқлаш, истиқболли турларини ишлаб чиқаришга жорий муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ҳозирда республикамызда ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш ва табиий экотизимлар барқарорлигини сақлаб қолишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, локал ҳудудларнинг муҳофазага муҳтож турларини сақлаб қолиш йўллари ишлаб чиқилди, инқирозга учраган ҳудудларга яшил қопламалар ҳосил қилиш тадбирлари жорий этилди, истиқболли турларнинг хом ашё захираларини аниқланди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹, жумладан «атроф-муҳит ҳолатига зарар етказадиган муаммоларнинг олдини олиш» вазифалари белгиланган. Мазкур

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

вазифаларни амалга оширишда, жумладан, Қизилқумнинг Нукус шаҳри атрофи ўсимликлар хилма-хиллигини аниқлаш, уларнинг экологик хусусиятларини очиб бериш, ҳамда истиқболли турларининг ресурс имкониятларини баҳолаш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 18 январдаги ПҚ-2731-сон «2017-2021 йилларда Орололди минтақасини ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида»ги ва 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ-4670-сон «Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг кўпгина ривожланган давлатларида чўл ўсимлик турларининг хилма-хиллиги, уларнинг экологик-функционал ва мослашувчанлик хусусиятларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Мазкур соҳада жаҳоннинг етакчи илмий марказлари олимлари, жумладан, Л.Я.Курочкина (1978), Л.А.Димеева, Л.А.Кузнецов (1999), W.Wucherer, L.Dimeyeva, S.-W.Breckle (2001), W.Wucherer, S.-W.Breckle (2003), K.N.Toderich, E.V.Shuyskaya, T.M.Khujanazarov, I.Shoaib, K.Yoshiko (2010), Л.А.Димеева (2011; 2013), L.A.Dimeyeva, S-W.Breckle, W.Wucherer (2012), А.П.Сухоруков (2015) лар томонидан Қизилқумнинг айрим ҳудудлари ва Шимолий Орололди ҳудудлари ўсимлик турларининг таркиби, экологияси ва улардан самарали фойдаланиш бўйича фаолият олиб борилган, чўлланиш муаммосининг олдини олиш ва унинг салбий оқибатларини юмшатишни татқиқ қилишган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Қизилқумнинг ўсимлик турлари хилма-хиллиги ва улардан фойдаланиш истиқболлари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига қарашли қатор илмий-тадқиқот институтлари, Олий ва ўрта махсус таълим ва Қишлоқ хўжалиги вазирликлари тасарруфидаги илмий-тадқиқот муассасалари олимлари томонидан татқиқ қилинмоқда. Жумладан, қатор ўзбекистонлик олимлар У.Туремуратов (1978; 1987), С.Ережепов (1978), О.Н.Коровина, А.Бахиев, М.Т.Таджитдинов, Б.Сарыбаев (1982; 1983), А.Бахиев (1987), Б.Шербаев (1978; 1982), Б.Сарыбаев (1978; 1981), О.А.Ашурметов, Ш.К.Камалов, Т.Рахимова, У.Алланазарова (1998), Д.М.Тажетдинова (2008; 2015), С.Г.Шеримбетов (2009; 2017), Г.А.Серекеева (2012), А.Р.Батошов (2016), Р.Х.Есемуратова (2011), Г.Ж.Абдиниязова (2017), Ҳ.Ф.Шомуродовлар (2018)

томонидан кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотларда Қизилқум ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги ўсимлик турларининг хилма-хиллигини аниқлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилган.

Юқорида келтирилган тадқиқотчиларнинг ишларида Қизилқумнинг Нукус шаҳри атрофидаги Тошқудуққум ҳудуди ўсимликлар хилма-хиллиги ва уларнинг экологик ҳолатига доир алоҳида маълумотлар мавжуд эмас. Шу боисдан, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги йирик шаҳар ва қишлоқлар атрофи ўсимлик турларининг хилма-хиллиги, экологик хусусиятларини аниқлаш ҳамда уларни мониторинг қилиш илмий-амалий аҳамият касб этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ботаника институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ИТД-9. «Ўзбекистон флорасининг номенклатуравий таҳлили ва унинг янги тизимини ишлаб чиқиш» (2014–2015) ҳамда Қорақалпоқ давлат университетининг «Марказий Осиёда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш: фазовий усуллар ва технологиялар орқали табиий офатларни бошқариш» (2017-2020) мавзусидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қизилқумнинг Нукус шаҳри атрофи ўсимликлар хилма-хиллиги ва уларнинг экологик хусусиятларини аниқлаш ҳамда турларнинг ресурс имкониятларини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Қизилқумнинг Нукус шаҳри атрофи ўсимлик турларини аниқлаш ва уларни таҳлил қилиш;

турларнинг ҳаётий шаклларини ўрганиш;

турларни экологик гуруҳларга ажратиш ва уларнинг тупроқ шароити билан мослашиш индикациясини аниқлаш;

турларнинг ботаник-географик таҳлилларини амалга ошириш;

ўсимликларнинг ишлаб чиқаришдаги аҳамиятли гуруҳларини ажратиш ва муҳофазага муҳтож турлари ҳолатини ўрганиш;

қум кўчишини тўхтатувчи истикболли турларни аниқлаш ва фитомелиорация тадбирлари учун тавсия қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қизилқумнинг Нукус шаҳри атрофидаги Тошқудуққумда тарқалган ўсимлик турлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Қизилқумнинг Нукус шаҳри атрофида тарқалган ўсимлик турларининг хилма-хиллиги, экологик хусусиятлари, муҳофазаси ва ресурс имкониятлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида флористик, систематик, геоботаник, экологик, биоморфологик, географик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Қизилқумнинг Нукус шаҳри атрофида тарқалган 35 оила ва 129 туркумга мансуб 249 юксак ўсимлик тури аниқланган ҳамда унинг янги рўйхати шакллантирилган;

ҳудуд ўсимлик турларининг Эрон-Турон флораси негизида пайдо бўлганлиги ва Турон провинциясида асосий ўринни эгаллаши исботланган;

Қизилқумнинг Нукус шаҳри атрофида кенг тарқалган 71 та ўсимлик турларининг тупроқнинг механик таркиби, тузлар миқдори, намлик даражаси ва сувга нисбатан талабчанлигига боғлиқ экологик гуруҳлари асосланган ва индикацион хусусиятлари очиб берилган;

турларнинг арид ҳудуди стресс омилларга нисбатан мослашишидаги хусусиятлари аниқланган ҳамда истиқболли турларнинг фитомелиорация, фармацевтика ва чорвачиликдаги аҳамияти очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҳудуд флорасидан кўчар қумларни мустаҳкамлаш ва ўрмонзорлар барпо этиш учун 19 та ҳамда геологик қидирув тадбирларини амалга ошириш, фармацевтика ресурс базасини мустаҳкамлаш учун 9 та истиқболли турлар аниқланган;

ҳудуд учун камёб бўлган *Tulipa buhseana* ва *T.sogdiana* ларнинг янги локалитетлари аниқланган ва улар популяцияларини сақлаб қолиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги бир-бирини тўлдирувчи флористик, экологик ва ботаник-географик усулларнинг қўлланилганлиги, натижаларнинг классик ва замонавий статистик дастурлар ёрдамида таҳлил қилинганлиги, илмий натижаларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этган илмий журналларда мунтазам нашр этиб борилганлиги ҳамда республика ва халқаро миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама этилганлиги билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Қизилқумнинг Нукус шаҳри атрофи ўсимлик турларининг аниқланганлиги, турли экологик гуруҳларга ажратилганлиги, индикацион хусусиятларининг асосланганлиги, турларнинг мослашиш хусусиятларини аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Қорақалпоғистон Республикасининг аҳоли манзиллари атрофидаги кўчар қумлар ва шўрхокликларни фитомелиорация йўли билан истиқболли турлар орқали мустаҳкамлаш тадбирларини жорий этиш, истиқболли турларни фармацевтика саноатига жалб этиш ва чорвачилик озуқа базасини мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қизилқумнинг Нукус шаҳри атрофи ўсимликларининг хилма-хиллиги ва унинг экологик мониторинги бўйича олинган илмий натижалар асосида:

фитомелиорант сифатида ажратилган 19 та ва геологик қидирув тадбирларини амалга ошириш ҳамда фармацевтика ресурс базасини

мустаҳкамлаш учун тавсия этилган 9 та истикболли турлар Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак тумани ўрмон хўжалиги амалий фаолиятига жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги кўмитасининг 2020 йил 2 ноябрдаги 467-сон маълумотномаси). Натижада аҳоли манзиллари атрофларида кўчар қумларни мустаҳкамлаш учун 8,5 гектар ўрмонзорлар ва 22 та ихота пунктлари ташкил этиш имконини берган;

камёб бўлган *Tulipa buhseana* ва *T.sogdiana* ларнинг тарқалиш ҳудудлари ва популяцияларини сақлаб қолиш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш кўмитасининг Қораўзак тумани бўлими амалиётига жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг 2020 йил 4 ноябрдаги 02/18-1-2036-сон маълумотномаси). Натижада турларнинг антропоген босим ҳудудларида тарқалган локалитетларини аниқлаш ва инқирозга мойил популяцияларинг сақлаб қолиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 16 та, жумладан 7 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, шулардан 3 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда, жумладан, 2 таси республика ва 1 таси хорижий илмий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предмети, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги, амалий натижалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот олиб борилган ҳудуднинг физик-географик тавсифи**» деб номланган биринчи бобида тадқиқот олиб бориш учун танланган ҳудуднинг географик ўрни, рельефи, геологияси, тупроғи ва иқлимига оид маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Илмий адабиётлар таҳлили, тадқиқот объекти ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот мавзусига оид илмий манбаларнинг таҳлиллари, тадқиқот олиб борилган объект ва уни амалга оширишда фойдаланилган усуллар батафсил ёритилган.

Диссертациянинг «Қизилқум ўсимликларининг Нукус шаҳри атрофи хилма-хиллиги» номли учинчи бобида ўсимлик турларининг хилма-хиллиги, таркиби, систематикаси ва уларнинг таҳлиллари ҳамда ўсимлик турларининг биоморфологияси, фенологияси, доминант ва субдоминант турлар бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари ёритилган.

Ўсимлик турларининг таркиби ва унинг таҳлиллари. Экспедициялар давомида тўпланган гербарий намуналарни аниқлаш ва Ботаника институти Ўзбекистон Миллий гербарийси (TASH) фонди маълумотларини таҳлил қилиш натижасида Қизилқумнинг Нукус шаҳри атрофидаги Тошқудуққум ҳудудида 2 бўлим, 3 аждод (синф), 9 аждодча (синфча), 27 қабила, 35 оила ва 129 туркумга мансуб 249 юксак ўсимлик тури аниқланди (1-жадвал). Таксонларнинг янги рўйхати А.Л.Тахтаджян (2009) маълумоти ва Ў.П.Пратов, М.М.Набиевларнинг (2007) методик тавсияси асосида ишлаб чиқилди.

1-жадвал

Йирик таксономик бирликлар бўйича оила, туркум, турларнинг тақсимланиши

Йирик таксономик бирликлар	Оилалар		Туркумлар		Турлар	
	сон	%	сон	%	сон	%
<i>Rynophyta</i> бўлими жами	1	2,9	1	0,8	3	1,2
<i>Magnoliophyta</i> бўлими жами	34	97,1	128	99,2	246	98,8
Шу жумладан, <i>Magnoliopsida</i> аждоди	28	80	112	86,8	215	86,3
<i>Liliopsida</i> аждоди	6	17,1	16	12,4	31	12,5
УМУМИЙ	35	100	129	100	249	100

Туркум ва турларнинг оилалар бўйича тақсимланишини таҳлил қилиш натижасида 7 та оила 90 туркумга мансуб 178 турни ва бу турлар Тошқудуққум флорасининг 71,48 фоизини ўз ичига олиши маълум бўлди (2-жадвал).

2-жадвал

Флорадаги йирик оилалар

Т/р	Оилаларнинг номлари	Туркумлар		Турлар	
		сон	%	сон	%
1.	<i>Chenopodiaceae</i>	21	16,28	55	22,09
2.	<i>Asteraceae</i>	21	16,28	35	14,06
3.	<i>Brassicaceae</i>	18	13,96	26	10,44
4.	<i>Fabaceae</i>	10	7,75	21	8,43
5.	<i>Poaceae</i>	10	7,75	16	6,43
6.	<i>Boraginaceae</i>	7	5,43	13	5,22
7.	<i>Polygonaceae</i>	3	2,32	12	4,82
	Жами	90	69,8	178	71,48
	Қолган 27 та оила	39	30,2	71	28,52
	УМУМИЙ	129	100	249	100

2-жадвалда кўришиб турибдики, шўрадошлар (*Chenopodiaceae*) оиласига 21 туркумга оид 55 тур (22,09 %), қоқидошлар (*Asteraceae*) оиласига 21 туркумга оид 35 тур (14,06 %) ва қолган 5 та йирик оилалар ҳисобига 48 туркум, 88 тур тўғри келади, яъни умумий флоранинг 35,34 % ини ташкил

қилади. Қолган флорадаги 28 та оиладан 18 та оила ҳисобига 2 тадан 5 гача тур тўғри келади. 10 та оила ҳисобига фақат биттадан туркум ва тур тўғри келади.

3-жадвалда йирик туркум ва улардаги турлар сони келтирилган.

3-жадвал

Флорадаги йирик туркумлар ва улардаги турлар сони

Т/р	Туркумларнинг номлари	Турлар сони	%
1.	<i>Salsola</i>	12	4,81
2.	<i>Astragalus</i>	10	4,02
3.	<i>Calligonum</i>	7	2,81
4.	<i>Strigosella</i>	7	2,81
5.	<i>Suaeda</i>	6	2,41
6.	<i>Tamarix</i>	5	2,01
7.	<i>Artemisia</i>	5	2,01
8.	<i>Scorzonera</i>	5	2,01
Жами		57	22,89
Қолган 121 та туркум		192	77,11
УМУМИЙ		249	100

Биоморфологик таҳлиллар. Айни пайтда Қизилқумнинг ички қумлари ўсимликларида ўзига хос, атроф муҳитнинг ўзгариши билан боғлиқ эволюцион-биологик ва экологик жараёнлар юз бермоқда. Бу кўп жиҳатдан, кейинги йилларда Ўрта Осиё минтақасида рўй бераётган табиий географик ўзгаришлар билан боғлиқликда эканлигини эътироф этиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, кейинги 50-60 йиллар давомида Орололди худуди экологик вазиятининг кескинлашуви сабабли пайдо бўлаётган экологик танг вазият, чўлланиш муаммоси, тупроқнинг шўрланиш даражасининг кескин ортиши ҳамда унинг деградацияга учраши оқибатида республикамизнинг шимолий худудларида табиий ҳолда ўсувчи ўсимлик турларида турли биологик, морфологик ва экофизиологик белги ва хусусиятларнинг ҳосил бўлишига сабаб бўлмоқда.

Тадқиқотлар якунида Қизилқумнинг Нукус шаҳри атрофида тарқалган 249 та юксак ўсимлик турларининг И.Г. Серебряков (1964) томонидан ишлаб чиқилган таснифи бўйича 25 та ҳаётий шаклларга мансублиги (4-жадвал) ва уларнинг К.Раункиер (1937) таснифи бўйича терофитлар – 135 турни (54,21 %), криптофит – 60 турни (24,1 %), фанерофитлар – 36 турни (14,45 %) ва хамефитлар – 18 турни (7,22) ташкил қилиши аниқланди.

4-жадвал

Қизилқумнинг Нукус шаҳри атрофида тарқалган ўсимликларнинг ҳаётий шаклларининг И.Г.Серебряков (1964) бўйича таснифи

Т/р	Ҳаётий шакллар гуруҳлари	Турлар сони	%
1	2	3	4
Пояси ёғочлашган ўсимликлар			
1.	Бир пояли (танали) барглари тўкилувчи дарахтлар	1	0,40
2.	Поялари мавсумий этдор, баргсиз дарахтлар	2	0,80
3.	Оддий типдаги буталар	9	3,61
4.	Барглари редукцияланган ёки баргсиз буталар	12	4,81
5.	Барг ва поялари этдор буталар	5	2,0

4-жадвалнинг давоми

1	2	3	4
6.	Оддий типдаги бутачалар	2	0,80
7.	Поялари мавсумий этдор, баргсиз бутачалар	5	2,0
Пояси ярим ёғочлашган ўсимликлар			
8.	Барг ва поялари этдор бўлмаган чала буталар	7	2,81
9.	Барг ва поялари этдор чала буталар	7	2,81
10.	Тик турувчи, каудексли чала бутачалар	4	1,6
Ўт ўсимликлар			
11.	Битта асосий ўқ илдизли поликарп ўтлар	15	6,02
12.	Кўп асосий ўқ илдизли поликарп ўтлар	6	2,4
13.	Қисқа илдизпояли поликарп ўтлар	1	0,40
14.	Узун илдизпояли поликарп ўтлар	6	2,4
15.	Қалин пояли поликарп ўтлар	9	3,61
16.	Поя тугунакли поликарп ўтлар	5	2,0
17.	Пиёз бошли поликарп ўтлар	6	2,4
18.	Илдиз бачкили поликарп ўтлар	9	3,61
19.	Лианасимон поликарп ўтлар	2	0,80
20.	Паразит поликарп ўтлар	1	0,40
21.	Икки йиллик монокарп ўтлар	4	1,6
22.	Кўп йиллик монокарп ўтлар	2	0,80
23.	Эрта гулловчи монокарп ўтлар (эфемерлар)	80	32,12
24.	Вегетацияси узоқ давом этувчи барг ва поялари этдор бўлмаган монокарп ўтлар	34	13,56
25.	Вегетацияси узоқ давом этувчи барг ва поялари этдор монокарп ўтлар	15	6,02
ЖАМИ		249	100

Ҳаётий шаклларнинг таҳлили ўрганилган ҳудудда тарқалган ўсимликларнинг асосий қисмини ўт ўсимликлар (195 тур, 78,31 %), кейинги ўринда пояси ёғочланган ўсимликлар (36 тур, 14,45 %) ва пояси ярим ёғочланган ўсимликлар (18 тур, 7,22 %) ташкил қилишини кўрсатди.

Хулоса қилиб айтганда, Қизилқумнинг Нукус шаҳри атрофида тарқалган ўсимликларнинг ҳаётий шаклларнинг таҳлили типик чўл учун хос қурғоқчил экологик шароитга мослашган эрта гулловчи монокарп ўтлар, яъни эфемерлар устунлик қилади.

Доминант ва субдоминант турлар. Доминант турлар биогеоценозда асосий биомассани ҳосил қилиб, атроф-муҳитнинг ландшафт компонентлари, ўсимликлар қоплами ҳамда тупроқ ҳосил бўлиши жараёнида бекиёс роль ўйнайди. Ҳар бир фитоценоз турли туман ўсимлик вакиллари билан иборат бўлиб, ундаги турлар мазкур жамоада ўзига хос аҳамиятга эга бўлиши билан ажралиб туради. Уларнинг айримлари биогеоценоз (ёки фитоценоз) ҳаёт циклига таъсири, ундаги барча жамоаларда устунлиги ва унга бевосита таъсир қилиши билан, айримлари эса биров кам таъсир қилиши билан таърифланади.

Ўрганилган ҳудудда тарқалган доминант ва субдоминант ўсимлик турларини аниқлашда Б.А.Быков (1965) ва «Растительный покров Узбекистана и пути его рационального использования» (1972) каби ишлар

асос қилиб олинди. Тадқиқотлар якунида ўрганилган ҳудуд ўсимликлар қопламида муҳим аҳамиятга эга 20 та ўсимлик турларининг доминант ва субдоминантлик қилиши аниқланди (5-жадвал).

5-жадвал

Қизилқумнинг Нукус шаҳри атрофида тарқалган доминант ва субдоминант ўсимлик турлари

№	Ўсимлик номлари	Экоморфологияси	Ўсиш шароити (тупроғи)	Ўсимлик қопламида устунлик даражаси
1	<i>Haloxylon aphyllum</i>	Галоксерофил дарахт	Шўрланган қум	5
2	<i>Haloxylon persicum</i>	Псаммоксерофил дарахт	Қум	4-5
3	<i>Calligonum aphyllum</i>	Псаммомезоксерофил бута	Қум	4-5
4	<i>Halostachys belangeriana</i>	Галомезоксерофил бута	Шўрхоқ	3-4
5	<i>Tamarix hispida</i>	Галомезоксерофил бута	Шўрхоқ	3
6	<i>Ammodendron conollyi</i>	Псаммомезоксерофил бута	Қум	3
7	<i>Salsola richteri</i>	Псаммомезоксерофил бута	Қум	3
8	<i>Salsola arbuscula</i>	Галоксерофил бута	Шўрланган қум	2-3
9	<i>Astragalus ammodendron</i>	Псаммомезоксерофил яримбута	Қум	2-3
10	<i>Salsola orientalis</i>	Галоксерофил яримбута	Шўрланган қум	2
11	<i>Halocnemum strobilaceum</i>	Галомезоксерофил яримбутача	Шўрланган қум	2
12	<i>Artemisia terrae-albae</i>	Ксерофил яримбутача	Қум	2
13	<i>Poa bulbosa</i>	Псаммоксерофил кўп йиллик ўт	Қум	1
14	<i>Ferula foetida</i>	Мезоксерофил кўп йиллик ўт	Қум	2
15	<i>Stipagostis pennata</i>	Псаммомезоксерофил кўп йиллик ўт	Қум	2
16	<i>Convolvulus hamadae</i>	Псаммомезоксерофил кўп йиллик ўт	Қум	2
17	<i>Heliotropium arguzioides</i>	Мезоксерофил кўп йиллик ўт	Қум	1
18	<i>Carex physodes</i>	Псаммомезоксерофил кўп йиллик ўт	Қум	1
19	<i>Halimocnemis karelinii</i>	Галомезофил бир йиллик ўт	Шўрланган қум	1
20	<i>Climacoptera lanata</i>	Галомезофил бир йиллик ўт	Шўрланган қум	1

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, бута ва кўп йиллик ўтлар кўпчиликти ташкил қилади. Лекин популяцияларнинг таркибида *Haloxylon*, *Calligonum*, *Ammodendron*, *Astragalus*, *Salsola*, *Artemisia*, *Stipagostis* каби туркум турларининг индивидлари устунлик қилади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур ҳудуд ўсимликлар қопламининг асосий қисмини турли даражада шўрланган тупроқларда ва қумларда ўсишга мослашган *Chenopodiaceae*, *Asteraceae*, *Brassicaceae*, *Poaceae*, *Fabaceae*, *Polygonaceae* оилаларининг галофил ва псаммофил вакиллари ташкил қилади.

Тошқудуққум ўсимликларининг асосий қисмини чўл минтақаси учун хос ксерофит турлар ташкил қилади. Ўсимликлар қоплами бир неча миллион

йиллар давомида Қизилқумнинг қурғоқчил иқлим шароитига мослашиши натижасида шаклланган.

Умуман, Тошқудуққумда ўсимликларнинг турлари бирмунча кам. Улар маълум табиий ва экологик оғир шароитларда ўз вегетация даврини ўтайди. Ўсимликлар вегетациясининг жадаллиги (эфемер ва эфемероидларда), қурғоқчиликка мослашувчанлиги (ксерофитларда), ўсимликлар илдизининг тупроққа чуқур кириб бориши (фреатофитларда), шўрланган тупроқ муҳитида ҳам вегетациясини давом эттириш хусусиятларга эга эканлиги (галофитларда) билан ажралиб туради.

Чўлда кенг тарқалган ўсимлик турларига аввало оқ ва қора саксовуллар, улар билан бирга ўсувчи черкез, қандим, чўғон, қизилча ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Оқ саксовулзорлар фақат мустаҳкамланган қумларда, кўпроқ дўнгли қумларда кенг тарқалган. Қора саксовулнинг ареали оқ саксовулга нисбатан чегараланган бўлиб, кўпроқ ботиклар ва текисликларда, гилли ётқизикларда, тақирларда ҳамда тақирли тупроқларда учрайди. Қора саксовул гилли тупроқларда гипс ва шўр туб жинсларнинг ер бетига яқин жойларида ўсади. Оқ саксовулзорлар илоқ, ковул, мох билан бирга кенг майдонларни эгаллайди. Қора саксовулзорлар буюрғун, боялич, кейреук, бир йиллик шўралар билан бирга, гоҳо юлғун билан аралаш ҳолда ҳам учрайди. Саксовулзорлар йил бўйи фойдаланиш мумкин бўлган яйловлар тоифасига киради. Буталар чўлқумли текисликларда кенг тарқалган. Бутали ва ярим бутали ўсимликларга черкез, қандим, сингрэн, қум акациясини кўрсатиб ўтиш жоиз. Улар ўсимлик билан камроқ мустаҳкамланган ва ҳаракатдаги қум уюмларида кенгроқ тарқалган.

Шувоқзорлар чўлнинг катта ҳудудларини эгаллайди. Кўп ҳолларда баланд текисликлар, тоғолди ва тоғ ёнбағирларида бўз-қўнғир, чўл-қум тупроқлари жойларда яхши ривожланган. Шувоқ билан бирга кейреук, боялич, терескен ўсиши мумкин. Қумли чўлда ковул, илоқ, қўнғирбош ва бошқалар билан бирга тарқалган. Шувоқли яйловлардан эрта баҳор, қисман ёз, асосан куз ва қишда кенг фойдаланилади.

Шўралар шувоқзорларга ўхшаб маълум ареалларда ўсади. Кўпроқ бўзқўнғир тупроқлар, тақир ва дағал тупроқларда ўсишга мослашган. Тепалик олди текисликларда боялич, терескен, буюрғун, соф ҳолда, баъзан шувоқ ва қора саксовул билан бирга учрайди. Шўрالي чўл яйловларининг маҳсулдорлиги унчалик юқори эмас, шувоқ билан бирга ўсган шўразорларда маҳсулдорлик анча юқори.

Диссертациянинг «**Ўсимлик турларининг экологик ва биогеографик таҳлиллари**» номли тўртинчи бобида ўсимлик турларининг экологияси ва биогеографиясига оид олинган илмий натижалар берилган.

Ўсимлик турларининг асосий экологик гуруҳлари. Шимоли-Ғарбий Қизилқумнинг Нукус шаҳри атрофи табиий биологик объектларининг ҳозирги экологик ҳолатини мониторинг қилишда авваламбор чўл экосистемасининг асосий қисмини ташкил қилувчи ўсимлик турлари хилма-хиллини аниқлаш, уларни таснифлаш ва ўсимликларнинг атроф муҳитга

мослашиб бориш тенденциясини экологик мезонлар орқали баҳолаш муҳим масалалардан бири саналади. Маълумки, ҳар қандай ўсимлик тури тарихий тараққиёт даврида ўзига хос тупроқ муҳитига мослашиб, ўзининг ўсиш муҳитини маълум бир меъёрга белгилайди. Ўсимлик турларининг қандай тупроқларда ўсишга мослашганлигини билиш назарий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқ қилинган ҳудудда кенг тарқалган 71 та ўсимлик турларининг тупроқнинг механик таркибига боғлиқ 3 та, тупроқ таркибидаги тузнинг миқдори (шўрга чидамлиги)га боғлиқ 5 та, тупроқнинг намлик даражасига боғлиқ 5 та ва ўсимликларнинг сувга нисбатан талабчанлигига боғлиқ 3 та экологик гуруҳларига ажратилди (6-жадвал).

6-жадвал

Шимоли-Ғарбий Қизилқумнинг Нукус шаҳри атрофидаги кенг тарқалган турларининг асосий экологик гуруҳлари бўйича таҳлиллари

Асосий экологик гуруҳлар		Турлар сони
Тупроқнинг механик таркибига боғлиқ	Галофит	24
	Псаммофит	41
	Гипсофит	6
Тупроқ таркибидаги тузнинг миқдори (шўрга чидамлиги)га боғлиқ (Н.И.Ақжигитова (1982) таснифи бўйича)	Эугалофит	12
	Гипергалофит	5
	Гемигалофит	17
	Галогликофит	34
	Криногалофит	3
Тупроқнинг намлик даражасига боғлиқ (П.А.Генкель (1982) ва Т.Рахимова (1997) таснифи бўйича)	Эуксерофит	21
	Пойкилоксерофит	11
	Гемиксерофит	17
	Стипаксерофит	5
	Рефугиоксерофит	17
Ўсимликларнинг сувга нисбатан талабчанлигига боғлиқ (И.Н.Бейдеман (1983) таснифи бўйича)	Омброфит	31
	Трихофит	25
	Фреатофит	15

Узоқ йиллар давомида ҳар бир экологик гуруҳ вакиллари ўзига хос абиотик экологик омиллар: тупроқ, сув, иқлим ва атмосфера ҳавосининг салбий – қумли чўлнинг қурғоқчил бўлган ёз ойларининг ҳаддан ташқари иссиқ ҳамда қиш ойларининг кескин совуқ шароитига мослашиб келган.


Тадқиқотлар мобайнида чўл ҳудудидаги турли экологик гуруҳдаги ўсимлик турлари биоморфологик ўзгарувчанликлар натижасида ўсимликлар қопламанинг эволюцион табиий қонуниятлар орқали ўрин алмашиниши яна бир бор ўз тасдиғини топди. Қумли чўлнинг турли майдонларидаги ландшафтлар педосфера қатламанинг ўзгариши билан шаклланиши турлича кўринишда бориши исботланди.

Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида Қизилқумнинг Нукус шаҳри атрофидаги Тошқудуққум қумли чўлларида ўсувчи юксак ўсимликларнинг хилма-хиллиги флористик, экологик ва геоботаник экспедициялар давомида ўрганилиб, истиқболли ўсимлик турларининг Қорақалпоғистон Республикасининг турли шаҳар ва қишлоқлари атрофидаги кўчма қум ва барханларни мустаҳкамлашдаги роли исботланди.

Шунингдек, табиатда йилнинг турли мавсумларида олиб борилган кузатишлар давомида мазкур ҳудудда тарқалган ўсимлик тури ичида чўлнинг турли биоценозларида (ёки умумий экосистемада) доминантлик қилувчи юксак ўсимлик турларининг биохилма-хиллик шаклланишидаги аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур турлар ўсимликлар қопламнининг асосий қисмини ташкил қилиши аниқланди.

Хулоса қилиб айтганда, Тошқудуққум ҳудудида тарқалган ўсимликларнинг аксариятини қум ва шўрланган тупроқларда ўсишга мослашган турлар ташкил қилади. Мазкур ўсимликлардан деградацияга учраган тупроқларни ўзлаштиришда, фитомелиорация ишларини олиб боришда ва кўчма қум ва барханларни мустаҳкамлашда истиқболли турларни танлаш имконини беради.

Турларнинг тупроқ типларига қараб тарқалиши. Ҳар бир турнинг қандай экологик гуруҳга мансублигини аниқлаш мақсадида мавжуд илмий манбалар ва табиатга уюштирилган экспедициялар мобайнида тўпланган материаллар чуқур таҳлил қилинди. Натижада, ўрганилган ҳудудида тарқалган 249 тур ўсимликлар ўсиш шароитига кўра қумларда ўсишга мослашган псаммофитлар 203 турдан, шўрланган тупроқларда ўсишга мослашган галофитлар 68 турдан, тақир тупроқларда ўсишга мослашган гипсофитлар 9 турдан ва шўрланган ўтлоқ тупроқларда ўсишга мослашган тўқай ўсимликлари эса 15 турдан иборатлигини кўрсатди (расм).



Расм. Тошқудуққум ҳудудида тарқалган ўсимликларнинг тупроқ типларига қараб тарқалиши

Таҳлиллар айрим турларнинг экологик шароитга мослашувчанлиги юқори даражада эканлигини кўрсатди. Жумладан, *Haloxylon aphyllum*, *Salsola richteri*, *S.arbuscula*, *S. paulsenii*, *Bassia hyssopifolia*, *Atraphaxis spinosa*, *Astragalus villosissimus*, *Ammodendron conollyi* каби турлар шўрхоқларда ҳамда шўрланган қумларда ўсишга мослашган.

Шўрхоқларда ва турли даражада шўрланган тупроқларда ўсишга мослашган турларга *Bassia hyssopifolia*, *Kochia prostrata*, *Kalidium capsicum*, *Halostachys belangeriana*, *Salicornia europaea*, *Salsola arbuscula*, *S. paletziana*, *S.paulsenii*, *S.richteri*, *Haloxylon aphyllum*, *Halimocnemis karelinii*, *Gamanthus gamocarpus*, *Climacoptera lanata*, *Suaeda acuminata*, *S.microphylla*, *Limonium gmelini*, *L.otolepis*, *Tamarix elongate*, *T.ramosissima*, *Nitraria schoberi*, *Lycium ruthenicum* ва бошқалар киради.

Псаммофит гуруҳга мансуб қумларда ўсишга мослашган турларга *Horaninovia anoloma*, *H.ulicina*, *Haloxylon persicum*, *Calligonum*

acanthopterum, C.aphyllum, C.aralense, C.caput-medusae, C.leucocladum, Strigosella scorpioides, S. turkestanica, Leptaleum filifolium, L.perfoliatum, Chrozophora sabulosa, Euphorbia densa, Ammodendron conollyi, Smirnowia turkestanica, Astragalus ammodendron, A.lehmannianus, Alhagi pseudalhagi, Melilotis albus, Haplophyllum bungei, Zygophyllum oxianum, Psammogeton foetida, Ferula karelinii, Artemisia diffusa, A.scoparia, A.terrae-albae, Cousinia dichotoma, Heliotropium arguzioides, Arnebia decumbens, Nonnea caspica, Allium sabulosum, Carex pachystylis, C.physodes, Stipagrostis karelinii, S.pennata, Poa bulbosa, Anisantha tectorum, Eremopyrum buonapartii, E.orientale, E.triticeum ва бошқа турлар киради.

Atraphaxis spinosa, Capparis spinosa, Astragalus villosissimus, Peganum harmala, Convolvulus divaricatus, C.erinaceum турлари эса гипсли чўл тупроқларида ўсади. Баъзи бир турлар масалан, *Typha angustifolia, Phragmites australis, Halimodendron halodendron, Populus pruinosa* кабилар фақат тўқайлар учун хос ўсимликлар ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, ўрганилган ҳудудда тарқалган ўсимликларнинг аксариятини кумларда ва турли даражада шўрланган тупроқларда ўсишга мослашган турлар ташкил қилади. Мазкур маҳаллий ўсимлик турларидан Нукус шаҳри атрофи кўчма кумларни ва барханларни мустаҳкамлашда ва қишлоқ хўжалик экинлари етиштириладиган деградацияга учраган далаларни ҳамда табиий шўрланган тупроқларни ўзлаштириш, самарали фитомелиорация ишларини олиб боришда истиқболли турларни танлаш имконини беради.

Ўсимлик турларининг қўшни ҳудуд флоралари билан қиёсий таҳлиллари. Тошқудуққум флорасининг қўшни ҳудуд флоралари билан умумийлигини ва ўзига хос томонларини, қолаверса, турларнинг Ер шарининг бошқа минтақалари ўсимликлари билан боғлиқликларини аниқлаш учун турларнинг қиёсий ва ареал типлар таҳлиллари амалга оширилди. Бунда Қизилқумнинг Нукус шаҳри атрофидаги Тошқудуққум билан бевосита чегарадош ва ботаник-географик жиҳатдан яқин чўл ва ярим чўл минтақасида жойлашган 5 та ҳудуд флоралари билан Р.Яккард (1912) солиштирма усулидан фойдаланиб қиёсий таҳлиллари амалга оширилди (7-жадвал).

7-жадвал

Қизилқумнинг Нукус шаҳри атрофидаги Тошқудуққум ўсимлик турларининг қўшни ҳудудлар флоралари билан қиёсий таҳлил натижалари

Таққосланаётган ҳудудлар, тадқиқотчиларнинг фамилияси, тадқиқотлар олиб борилган йиллар	Таққосланаётган кўрсаткичлар		
	Турар сони	Тошқудуққум флораси билан умумий (ўхшаш) турлар сони	Жаккарднинг ўхшашлик коэффициенти (K _j)
Султонувайстоғ (Шербаев, 1978)	444	182	35,42
Белтоғ (Шербаев, 1978)	211	122	35,80
Жанубий Оролбўйи (Шербаев, 1982)	239	146	42,40
Қуйи Амударё (Бахиев, 1987)	655	141	18,35
Жанубий Оролқум (Шеримбетов, 2017)	220	121	34,48

Таҳлил натижалари Қизилқумнинг Нукус шаҳри атрофидаги Тошқудуққум ўсимлик турлари Жанубий Орололди флорасига ўхшашлик коэффициенти юқори эканлигини ва ботаник-географик жиҳатдан яқинлигини исботлади. Такқосланган барча ҳудудларда *Chenopodiaceae* оиласи вакиллари устунлик қилади. Иккинчи ўрнида эса, *Asteraceae* оиласи вакиллари туради. Шунингдек, *Brassicaceae*, *Poaceae*, *Fabaceae*, *Boraginaceae*, *Polygonaceae* каби типик чўл вакилларида иборат оилалар такқосланган барча табиий районларда етакчилик қилади. Туркурлар бўйича таҳлили эса такқосланган барча ҳудудларда *Calligonum*, *Salsola*, *Astragalus* каби туркум вакиллари устунлик қилишини исботлади.

Ўсимлик турларининг ареал типлари. Мавжуд илмий-методологик манбалар таҳлили, Ботаника институти Ўзбекистон Миллий гербарий (TASH) маълумотлари ҳамда илмий натижаларига асосланган ҳолда Тошқудуққум ҳудудида тарқалган 249 ўсимлик турларининг 60 та ареал типига бирлашиши исботланди. Таҳлиллар натижасида ареал типларининг турларга бойлигига кўра Турон (51 тур, 20,48 %), Эрон-Турон (47 тур 18,87 %), Европа-Қадимги Ўртаер (17 тур 6,82 %) ва Қадимги Ўртаер (17 тур 6,82 %) етакчилик қилиши аниқланди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, ўрганилган ҳудуд ўсимлик турлари Ер юзининг барча флористик областларида кенг тарқалган бўлиб, ареал типларининг таҳлили турлар Голарктик ва Палеотропик дунё областлари учун хослигини исботлади. Илмий натижалари шубҳасиз, Тошқудуққум флораси элементлари Эрон-Турон флораси замирида пайдо бўлганлигини кўрсатувчи муҳим далил ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Ўсимликларнинг аҳамияти ва уларни муҳофаза қилиш**» номли бешинчи бобида ўсимлик турларининг хўжаликдаги аҳамияти, ишлатилиши, ўрганилган ҳудудда учрайдиган камёб турлар ҳамда уларнинг муҳофазаси бўйича маълумотлар берилган.

Олиб борилган изланишлар ва илмий манбалар таҳлиллари асосида Қизилқумнинг Нукус шаҳри атрофидаги кенг тарқалган ўсимлик турларининг асосан кўчма кумларни ва шўрхоқларни мустаҳкамловчи, ем-хашак, дориворлик хусусиятларга эга эканлиги аниқланди (8-жадвал).

8-жадвал

Ўсимлик турларининг хўжаликдаги аҳамияти бўйича нисбатлари

Хўжаликдаги аҳамияти	Турлар	
	сон	%
Ем-хашак	60	24,09
Қум ва шўрхоқларни мустаҳкамловчи, фитомелиорант	50	20,08
Эфир-мойли, алкалоидли, ошловчи, захарли ва бошқа кимёвий таркибли	39	15,66
Доривор	31	12,44

Юқоридаги 8-жадвалдан кўриниб турибдики, ҳудуд ўсимликлар хилма-хиллигининг асосий қисмини ем-хашаклик турлар – 60 (24,09 %) ва қум ва шўрхоқларни аҳоли яшайдиган жойларга тарқалишини олдини олишда

муҳим роль ўйновчи истиқболли фитомелиорантлар – 50 турни (20,08 %) ташкил қилади. Бундай ўсимликларга саксовул, черкез, қорабарок, юлғун, қандим, қуёнсуяк, илок, селин ва бошқа кўпгина турлар киради. Қизилшўра, баликкўз, олабута, қорабаргўт, қорабарок, кармак каби ўсимликлар поя ва баргларида тупроқ таркибидаги тузларни тўплаб тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилайти. Экспедициялар давомида истиқболли ўсимлик турлари иштирокидаги табиий фитодўнгликлар яъни, барханлар атрофида ўзига хос ўсимлик жамоалари ҳосил бўлиши, булар эса ўз навбатида кўчма қумларни ушлаб қолишда катта аҳамият касб этиши кузатилди. Шунингдек, бундай барханлар атрофида баҳор ва куз ойларида ўсувчи бир ва кўп йиллик ўсимлик турлари тўпланиб уларнинг ўсиш ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Ўсимликлар қопламида доминантлик ва субдоминантлик қилувчи истиқболли ўсимлик турлари қум ва шўрхоқларнинг аҳоли яшайдиган жойларга тарқалмаслигида асосий роль ўйнайти.

2006-2019 йиллар давомида табиатда олиб борилган узоқ муддатли илмий экспедицияларнинг натижалари, мавжуд илмий манбалар ва Ботаника институти Ўзбекистон Миллий гербарийси (TASH) сақланаётган гербарий намуналарини чуқур таҳлил қилиш натижасида Тошқудуққум ҳудудида муҳофазага муҳтож, ареали тор, камайиб бораётган 2 тур: *Tulipa buhseana*, *T.sogdiana* борлиги маълум бўлди. Тадқиқотлар натижасида мазкур турларнинг ареаллари кенгайтирилди.

Шимоли-Ғарбий Қизилқум, хусусан, Тошқудуққум ўсимлик турларининг хилма-хиллигининг ўзгаришига Орол денгизи сувининг қуриши натижаси пайдо бўлаётган салбий экологик ҳолат ва ерларнинг минераллашиш даражасининг кескин ортиши сабаб бўлмоқда.

ХУЛОСАЛАР

«Қизилқум ўсимликларининг Нукус шаҳри атрофи хилма-хиллиги ва унинг ҳозирги экологик ҳолати мониторинги» мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Қизилқумнинг Нукус шаҳри атрофида 2 бўлим, 3 аждод (синф), 9 аждодча (синфча), 27 қабила, 35 оила ва 129 турқумга мансуб 249 юксак ўсимлик тури ўсади. Ҳудудда *Chenopodiaceae* (21 турқум, 55 тур (22,09 %)), *Asteraceae* (21 турқум, 35 тур (14,06 %)) оилалари ва *Salsola* (12 тур, 4,81%), *Astragalus* (10 тур, 4,02 %) турқумлари етакчилик қилади.

2. Ҳудуддаги 249 та ўсимлик турлари 25 та ҳаётий шаклларга мансуб бўлиб, терофитлар 135 турни (54,42%), криптофит 59 турни (24,09%), фанерофитлар 36 турни (14,45%) ва хамефитлар 18 турни (7,22%) ташкил қилади. Турларнинг асосий қисми типик чўл учун хос қурғоқчил экологик шароитга мослашган эрта гулловчи монокарп ўтлардан (эфемерлар) иборат.

3. Қизилқумнинг Нукус шаҳри атрофида 20 та доминант ва субдоминант ўсимлик турлари учрайти. Ўсимликлар қопламида чўл минтақаси учун хос ксерофит бута (*Calligonum*, *Ammodendron*, *Astragalus*,

Salsola туркуми) ҳамда чалабута ва бутачалар (*Astragalus*, *Salsola*, *Artemisia*, *Stipagostis* туркуми) вакиллари устунлик қилади.

4. Қизилкумнинг Нукус шахри атрофида тупроқнинг механик таркибига боғлиқ – 3 та (псаммофитлар кенг кўп тур), тупроқ таркибидаги тузнинг миқдорига боғлиқ – 5 та (галогликофитлар кенг кўп тур), тупроқнинг намлик даражасига боғлиқ – 5 та (эуксерофитлар кенг кўп тур) ва ўсимликларнинг сувга нисбатан талабчанлигига боғлиқ – 3 та (омброфитлар кенг кўп тур) экологик гуруҳлари вакиллари кенг тарқалган ва улар чўл шароитининг стресс абиотик омилларга нисбатан мослашишининг индикацион хусусиятларини намоён этади.

5. Тошқудуққум флорасининг Жанубий Орололди флорасига ўхшашлик коэффицентининг юқорилиги ва унинг мазкур ҳудудга ботаник-географик жиҳатдан яқинлигидир. Ареал типлари ичида Турон (51 тур, 20,48%), Эрон-Турон (47 тур 18,87%), Европа-Қадимги Ўртаер (17 тур 6,82%) ва Қадимги Ўртаер (17 тур 6,82%) ареал типлари турлар сони бўйича етакчилик қилиши аниқланди. Бу эса ҳудуд флорасининг Эрон-Турон флораси замирида пайдо бўлганлигини ва Турон провинциясининг асосий ўрнини эгаллашини қайта тасдиқлади.

6. Ҳудуд флорасидан кўчар кумларни мустаҳкамлаш ва ўрмонзорлар барпо этиш учун 19 та ҳамда геологик қидирув тадбирларини амалга ошириш, доришуносликда қўлланиладиган 9 та истиқболли турлар фитомелиорация тадбирларини амалга ошириш ҳамда фармацевтика ресурс базасини мустаҳкамлаш учун тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/27.02.2020.B.01.15 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
УЗБЕКИСТАНА**

КАРАКАЛПАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

КАЙПОВ КЫДЫРБАЙ ПАХРАТДИНОВИЧ

**МОНИТОРИНГ РАЗНООБРАЗИЯ И СОВРЕМЕННОГО
ЭКОЛОГИЧЕСКОГО СОСТОЯНИЯ РАСТИТЕЛЬНОСТИ
КЫЗЫЛКУМА В ОКРЕСТНОСТЯХ ГОРОДА НУКУСА**

03.00.10 – Экология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.2.PhD/B342

Диссертация выполнена в Каракалпакском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (<https://nuu.uz>) и в Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Шеримбетов Санжар Гулмирзоевич
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Сафаров Каримджон
доктор биологических наук, профессор

Мавланов Хударган
доктор биологических наук

Ведущая организация:

Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2021 года в «_____» часов на заседании Научного совета DSc.03/27.02.2020.B.01.15 при Национальном университете Узбекистана (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, Студенческий городок, ул. Университетская, д. 4. Корпус биологического факультета Национального университета Узбекистана, 2-й этаж, комната 203. Тел.: (+99871)246-67-72).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована под №_____) (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, Студенческий городок, ул. Университетская, д. 4. Корпус биологического факультета Национального университета Узбекистана, 2-й этаж, комната 203. Тел.: (+99871)246-67-72, e-mail: nauka@nuu.uz, <https://nuu.uz>).

Автореферат диссертации разослан: «_____» _____ 2020 года
(реестр Протокола рассылки №_____ от «_____» _____ 2020 года).

Рахимова Тура

Заместитель председателя Научного совета
по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

Аллабердиев Рустамжон Хамраевич

Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней, к.б.н., доцент

Рахимова Ташханим

Председатель Научного семинара при Научном совете по
присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире охрана биоразнообразия является одной из глобальных проблем, масштаб которых увеличивается в последние годы с повышением антропогенной нагрузки на естественные экосистемы. Определяющую роль при этом в формировании и трансформации флоры данной территории играет склонность объектов растительного мира, расположенных на аридной территории, к воздействию опустынивания. В связи с этим установление состава компонентов флоры, экологический анализ происходящих в них изменений и изучение особенностей адаптации имеет важное научно-практическое значение.

В мире большое внимание уделяется оценке экологического состояния объектов растительного мира, сформировавшихся на засушливых территориях, и их охране. В частности, выявлены состав и экологические особенности представителей растительного мира, распространённых на аридных территориях, создана их база данных, привлечены в производство виды с экономическим значением, внедрены эффективные методы сохранения исчезающих популяционных видов. Следует подчеркнуть, что увеличение регрессированных площадей на аридных территориях в результате деятельности человека требует широкомасштабного анализа экологического состояния растительных видов, являющихся изменчивыми элементами естественной экосистемы.

В последние годы усиление урбанизационных процессов, активизация дорожного строительства и расширение геолого-разведывательных работ на территории Кызылкума, характеризующегося своеобразным растительным миром, становятся причиной трансформации флоры данной территории и экологического кризиса. А это требует определения современного состояния растительных видов указанной территории и защиты исчезающих видов. С учетом этого определение экологического состояния представителей растительного мира, их адаптированности к почвенно-климатическим условиям, внедрение в производство перспективных видов на фоне трансформированных являются приоритетными направлениями в изучении проблемы сохранения биоразнообразия естественных экосистем.

В настоящее время в нашей республике уделяется большое внимание охране объектов растительного мира, их рациональному использованию и сохранению устойчивости естественных экосистем. Разработаны пути сохранения видов на локальных территориях, нуждающихся в охране, проведены мероприятия по созданию зелёного покрова на эродированных территориях, выявлены сырьевые запасы перспективных видов. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан² определены задачи по рациональному использованию имеющихся ресурсов, направленные на предотвращение нанесения вреда состоянию окружающей

² Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 г. № УП-4947.

среды. Определение разнообразия видов растений Кызылкума в окрестностях города Нукус, раскрытие их экологических особенностей, а также оценка ресурсных возможностей перспективных видов имеют важное научно-практическое значение.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан № ПП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, Постановлениями Президента Республики Узбекистан № ПП-2731 «О Государственной программе по развитию региона Приаралья на 2017–2021 годы» от 18 января 2017 года, № ПП-4670 «О мерах по охране, культурному выращиванию, переработке дикорастущих лекарственных растений и рациональному использованию имеющихся ресурсов» от 10 апреля 2020 года и другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики: Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Во многих развитых странах мира ведутся научные исследования по определению разнообразия видов пустынных растений, а также определению их эколого-функциональных и адаптационных свойств. В данной сфере проведены исследования по предотвращению проблемы опустынивания и улучшению его негативных последствий. Проведены работы по изучению видового состава и экологии видов растений на некоторых территориях Кызылкума и Северного Приаралья учёными ведущих научных центров мира, в частности, Л.Я.Курочкиной (1978), Л.А.Димеевой, Л.А.Кузнецовым (1999), W.Wucherer, L.Dimeyeva, S.-W.Breckle (2001), W.Wucherer, S.-W.Breckle (2003), K.N.Toderich, E.V.Shuyskaya, T.M.Khujanazarov, I.Shoaib, K.Yoshiko (2010), Л.А.Димеевой (2011; 2013), L.A.Dimeyeva, S-W.Breckle, W.Wucherer (2012) и А.П.Сухоруковым (2015).

